



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



**THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

An international scientific and practical online conference on the topic  
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

**Tashkent – 2021**

## ЛОГИСТИКА СОҲАСИ ТЕРМИНОЛОГИК МАЙДОНИ

*Алаутдинова Камола Шомансуровна*

*Ўзбекистон Миллий Университети*

*Хорижий филология факультети таянч докторанти*

*e-mail: [kamola.mansurovna.phd@gmail.com](mailto:kamola.mansurovna.phd@gmail.com)*

**DOI 10.5281/zenodo.4963136**

Аввалдан қўлланилиб келинган «термин» ва «терминология» масалалари юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, турли таърифлар берилган. Термин ( лотинча terminus – чегара, ҳад) – билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига оид доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир [ <https://qomus.info/oz>]. Термин ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир. Систем характерга эгалик, ўз терминологик майдонида бир маъноликка мойиллик, ҳис туйғуни ифодаламаслик, услубий бетаърафлик кабилар терминга хос хусусиятлардир. П.Нишоновнинг таъкидлашича, «Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир»[ Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26 б.]

Терминологияни тушунишдаги хилма-хиллик (рус тилшунослигида) ўзбек тилшунослигида бўлгани каби, хорижий тил илмида ҳам мавжуд. Терминологиянинг моҳияти хусусидаги нуқтаи назарлар тафовути ҳақида Д.Сагедер шундай ёзади: Терминологияни илмий фан сифатида қарашга доир нуқтаи назарлар анча тарқоқ. Ҳозирги вақтда ушбу соҳа ва унга ёндош бўлган бир қатор мунозарали масалалар бўйича турли талқинлар мавжуд. Терминология фанми ёки фақат методми? Терминология ўз хусусий назариясига эга бўлган алоҳида гуманитар фан мақомига эгами ёки у ўзининг назарий имкониятлари учун нисбатан консолидацияланган фанлардан

миннатдор бўлиши керакми, назарий жихатдан нисбатан барқарор бирор фан таркибими? <...>. Терминология фанининг аҳамиятини камситиб бўлмайди. Уни ўз эволюцияси ва замонавий технологияларнинг тез ўзгарувчан оламида олдинга томон ҳаракатланиши туфайли тарихан муҳим куч сифатида кўриб чиқиш лозим [227; -Б.124].

Термининг ўзига хос хусусиятларидан бири термининг махсус соҳада ва профессионал соҳада қўлланилишидир. Бундай терминологиянинг луғат катлами маълум бир билим соҳаси билан чегараланган бўлади.

Б.Н. Головин таъкидлашича “касб-ҳунар нуқтаи назаридан қаралганида термин ўзида муайян касбий тушунчаларни ифода этади”[ Головин Б.Н. Лингвистические основы учения о терминах. М.: 87. - 135б].

А.А. Реформатскийнинг фикрича: “Термин – бу сўз бўлиб, ўзининг алоҳида ва махсус белгилари билан чегараланади, фан, техника, иқтисодиёт, сиёсат ва дипломатия соҳаларида бир маъноли, аниқ сўздир. У экспрессивликдан ҳоли, муайян предмет ёхуд тушунчани ифода этувчи, ўзининг қатъий ва аниқ мазмуний чегарасига ҳамда изоҳига эга бўлади”. [Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка//Проблемы структурной лингвистики. -М.: Наука.1968. - 210 с.].

Н.П.Кузькинни фикрича, “ умуий адабий лексика билан махсус соҳадаги термин ўртасидаги ёхуд сўз бирикмаси билан шакл ва таркибий жихатдан ҳеч қандай фарқли жихатлари бўлмаган тақдирда ҳам умумадабиётда кенг қўлланиладиган лексема ҳаммага таниш бўлган объектга хос бўлиб, терминологик соҳадаги термин эса фақатгина тор доирадаги мутахассисларгагина оид бўлади”[ Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ. – №20. – Вып. 4. – Л., 1962. – С. 132.]

“ Ҳар қандай термин” деб қайд этади Р.Ф. Пронин, - атрофидаги сўзлар ва контекстга боғлиқ бўлмаган сўзлар алоҳида семантик бирлик сифатида эмас, балки маълум бир соҳадаги техник маънога эга, қўлланилганлик даражасига, соҳасига кўра таркибини ўзгартириш мумкин бўлган сўз сифатида қаралиши

керак”[ Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы. – М.: Высшая школа, 1996. –145 с.]

Аммо баъзи тилшунослар ушбу фикрга карама қарши фикрни яъни терминнинг контекстга ҳеч қандай алоқаси йўқ деган ғояни илгари суришади. “Агарда терминологиянинг қайсидир туркумга хослиги аниқ бўлса, у ҳолда терминлар контекст ташқарисида ҳам ишлаши мумкин” [Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968. – 536 с.]

Фикримизча мазкур хилма хиллик, олимларнинг контекст тушунчасини турлича тушунишидадир. Контестни сўз айланиши, нутқдаги вазият, баёноат жанрини қамраб олади, айнан шунинг учун ҳам нутқнинг контексти, вазият мазмунини ажратиб туради. контекст оғзаки ёки ёзма нутқ (матн)нинг нисбатан тугал қисми бўлиб, ўз таркибидаги сўзлар ёки ибораларнинг маъноларини аниқлашга имкон беради.

Логистика соҳаси мутахасислари томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлиллар натижасида ушбу соҳа билан кесишган 12 та фан жабҳалари, жумладан, менеджмент, савдо-сотиқ фаолияти, маркетинг, нарх бўйича таълим, халқаро муносабатлар, транспорт, информатика, технология, машинасозлик кабилар аниқланган<sup>1</sup>. Ушбу далил логистика терминологияси тизими В.М. Лейчик тавсифлаган унификация тамойили асосида шаклланганлигини тасдиқлайди. В.М. Лейчикнинг тавсифлашича, “бир нечта соҳага оид бўлган билимларни комплекс тарзда эгаллаш терминлар мажмуининг бирлашувига олиб келади” яна шуни таъкидлайдики, “маълум бир соҳага оид терминологиянинг ясаиш жиҳатларини таҳлил қилганда аниқ бўлдики, ушбу усуллар лексемаларнинг табиий равишда тилда ясаиши

---

йўллари билан мос келади” [ Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. М., 2006. - С. 96.]

А.И. Смирницкийнинг тадқиқотларида юритган назариясига мувофиқ терминологик майдонларга ажратиш тамойиллари ишлаб чиқилган [Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. М.: МГУ, 1998. - С. 17.] бўлиб, ҳар бир махсус соҳа ўзи хос терминлар билан тўлдирилган.

Шу тариқа, 9 та терминологик майдон:

- *purchasing management* / *харидни тизимини бошқариш*;
- *logistics of production* / *ишлаб чиқаришни логистик қўллаб қувватлаш*;
- *order management* / *буюртма тизими бошқаруви*;
- *transportation* / *транспорт воситасида юкларни ташиш*;
- *warehousing and material handling* / *омборда сақлаш ва маҳсулотни қайта ишлаш*;
- *inventory management* / *замланган маҳсулот бошқаруви*;
- *information technologies* / *ахборот технологиялари*;
- *logistics management* / *логистика тизими бошқаруви*;
- *supply chain management* / *таъминот тизими бошқаруви*.

Ушбу термино-майдон логистика тизимининг таркибий қисми билан мос келиб, инглиз тили логистикасининг тизимлилигинидан далолат беради.

Логистика соҳасининг асосий тадқиқ объектларидан бири оқим бўлиб, асосий терминлари – моддий оқим, ахборот оқими, молиявий оқим ва бошқалар. Ушбу тушунчанинг логистика соҳасидаги маъносига ойдинлик киритиш мақсадида келтирилган турли изоҳларга мурожаат қиламиз: “ҳаракатланувчи масса эмас балки [Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1990. - С. 57.], бир бутун саналадиган объектлар мажмуи...” [Аникин Б.А. Логистика. М., 2002. - С. 17.] ёки “ишлаб чиқариш манбасидан белгиланган жойга ўзгартиладиган бир хил иқтисодий элементлар тўплами” [Стаханов В.Н., Украинцев В.Б. Теоретические основы логистики. - Ростов-на-Дону, 2001. - С. 57].

Оқим терминининг изоҳини логистик манбалардан топиш мушкул масала бўлиб, ташкилот бошқаруви бўйича энг йирик энциклопедик нашрда мавжуд эмас [Управление организацией: Энциклопедический словарь. М., 2001. - С. 142.]. Негаки, оқимлар фақат иқтисодий тавсифга эга.

Логистика соҳасининг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

- *логистик операция/иш;*                      *логистика хизмати;*
- *логистиканинг вазифаси;*                      *логистика технологияси;*
- *логистика жараёни;*                      *логистик цикл/давр;*

Логистика оқимлар билан боғлиқ жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бирга операцион/ишга оид шартлар тўғридан-тўғри оқим терминлари гуруҳига асосланади.

Асосий тушунча сифатида эътироф этилган логистик тушунчаси оқимлар устида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида янги пайдо бўлган термин маъноси қабул қилинсагина, уни инкор этиш мумкин бўлади.

Операцион гуруҳга оид барча терминлар аслида логистикага оид бўлиб, шунингдек, терминларни оқимлар, вазифалар, жараёнлар, цикллар/даврларга бўлиб татбиқ этиш уларнинг мазмуни ҳамда истиқболли тадқиқот натижаларига янгича қарашни талаб этади.

Логистиканинг таркибини ташкил этувчи терминларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- *логистик таркибий қисм;*                      *логистика тизими;*
- *микро-логистика тизими;*                      *логистик занжир;*
- *макрологистик тизим;*                      *логистика тармоғи;*
- *мезологистик тизим;*                      *логистика воситаси;*
- *логистика тизимининг бирлиги.*

Операцион, оқим гуруҳлари ва шакллантирувчи терминлар логистиканинг асосий терминологияси ҳисобланиб, соҳада қўлланиладиган қолган терминлар уларга асосланади. Шунингдек, бу гуруҳлар терминларни умумлаштириб, амалда татбиқ этади. Логистика ва занжир таъминотини

бошқариш мустақил объектлар ва тадқиқот предметига эга бўлган турли йўналишлар занжир таъминотини бошқаришга оид бўлган терминлар – таъминот занжири, занжир таъминоти бошқаруви, ташкилотлараро логистикани мувофиқлаштириш кабилар А.Г.Купцова томонидан фанга киритилган [Анализ терминосистемы новой области знаний (логистики). Статья. М., 2007. - С. 56-57.С.] бўлиб, бошқарув йўналишлари бир-бири билан узвий боғланган.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, логистика соҳасининг терминологияси тўлиқ шакллантирилмаган. Шу ўринда, А.Н. Стерлигованинг инглиз тили логистика термино-тизими кўп сўзларнинг бошқа тиллардан ўзлашганига қарамасдан логистика соҳасини асосий шаклланган соҳалар қаторига қўшса бўлади, - деган фикрни илгари суради. Рус тили логистик терминологияси эса бугунги куннинг долзарб соҳаларидан бири ҳисобланади [Купцова А.Г. Современные проблемы перевода терминов. М., 2006.- С.13-14.]. Тилшуносларнинг эътирофига биноан, бугунги кунда рус ва ўзбек тилларига ўзлашган кўплаб янги терминлар стандартизация ва унификациялашни тақозо этади. Л.Л.Кутинанинг фикрига кўра, “кераксиз дублетларнинг кириб келиши ва ўзлашишини бартараф этиш керак”.

Таъкидлаш жоизки, логистиканинг инглиз тили термин-тизими нисбатан ёш ва доимий равишда ўсиб боровчи лексик бирликлар мажмуидир. Логистика мунтазам бошқа махсус соҳалар, жумладан, транспорт, менежмент, молияга оид терминология билан ўзаро алоқада бўлиб, уларга хос терминларни ўзлаштириб ёки ўзининг доирасини доимий кенгайтириб боради. Бундан англаш мумкинки, термин-тизими тўлиқ шаклланмаган, балки, шаклланиш босқичида эканлигини кўрсатади. Демак, логистика термин-тизими бир-бирига боғлиқ бўлган фан соҳаларининг терминлари воситасида доимо ўзининг терминологиясини тўлдириб боради. Бундан ташқари, ушбу соҳа термин-тизимида қўлланила бошланган терминлар ўзига хос маъно касб этади.Шунга қарамай, ушбу соҳа термин-тизими ўзига хос



хусусиятларга эга бўлиб, айниқса таркибий қисмида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 26 б.
2. Головин Б.Н. Лингвистические основы учения о терминах. -М.:87.- 235
3. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка//Проблемы структурной лингвистики. -М.: Наука.1968. - 210 с.
4. Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ. – №20. – Вып. 4. – Л., 1962. – С. 132
5. Пронина Р.Ф. Перевод английской научно-технической литературы. – М.: Высшая школа, 1996. –145 с.
6. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968. – 536 с.
7. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура., 06. - С. 96.
8. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.МГУ, 98. - С. 17.
9. Аникин Б.А. Логистика. М., 2002. - С. 17.
- 10.Стаханов В.Н., Украинцев В.Б. Теоретические основы логистики. - Ростов-на-Дону, 2001. - С. 57.
- 11.Купцова А.Г. Современные проблемы перевода терминов. М., 2006.- С.13-14.
12. Языковые процессы, возникающие при становлении научных терминосистем // Вопросы терминологии и лингвистической статистики. Воронеж, 1996. - С. 82-94.